

# **Термиз туманидаги 18299-сонли ҳарбий қисм ташкил этилганлигининг 31 йиллиги нишонланди**



Термиз тумани “Янгиариқ” аҳоли яшаш пунктида жойлашган 18299-сонли ҳарбий қисм ташкил этилганлигига 31 йил тўлди. Шу муносабат билан ҳарбий қисмда тантанали тадбир ташкил этилди.

Унда Термиз тумани Маданият бўлими санъаткорлари ҳарбийлар учун концерт дастурини намойиш этишди. Шўх куй-қўшиқлар аскарларнинг ўйин-кулгуларига уланди.

Ҳарбий оркестр ва ҳарбий кўргазмали чиқишлар байрам тадбирига кўтаринкилик бағишлади.